МОТИВАЦИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ХУСУСИДА

У. МАМАРАСУЛОВ

В статье обсуждаются теоретические вопросы мотивации интереса к обучению на примере материалов зарубежных специалистов по педагогике и психологии.

On the bases of materials offered by the foreign experts the article considers the problems of motivation of interestes of students from the theoretical point of view.

Мотив ва мотивация сўзлари келиб чиқишига кўра лотин тилига мансубдир. Мотив - “туртки”, “юргизувчи сабаб” деган маъноларни англатса, ўз навбатида, мотивация туртки ва сабаблар йиғиндиси ҳисобланади.

Олмон психологи К.Бундшуҳ ўзининг “Эмоционаллик, мотивация ва ўқиш” китобида мотивга қуйидагича таъриф беради: “Субъектнинг ижобий баҳоланган вазиятларга интилиб, ўша вазиятларда узоқроқ қолиш ва салбий баҳоланган вазиятлардан иложи борича ўзини олиб қочадиган аниқ инсоний ҳатти-ҳаракатларга туртки бўлувчи сабаблар мотив ҳисобланади”[4]. У.Шифеле мотив тушунчасини барқарор, “узоқроқ давом этувчи мақсад ёки баҳолаш режалари”[8] сифатида талқин этса, Ж.Жалолов “ундовчи сабаб, ички ва ташқи туртки” дея изоҳлайди[12].

Мотивация эса бунга қарши ўлароқ, “Бир индивиднинг ўз сезувчанлик, билиш ва қўзғатувчи функцияларини келажакда кўзланган мақсад сари йўналтиришга ва унга мослаштиришга бўлган айни лаҳзадаги тайёргарлигидир” [1] ёки “мақсадга йўналтирилган ҳаракатга олиб кириш ва унда сақлаб қолишни таъминловчи психик жараёнлар демакдир” [11]. Турли хил мотивациялар бир вақтнинг ўзида намоён бўла олишини ҳисобга олиб, “бир-бирининг ўрнини босувчи турли хил воқеликлар рақобати” [11] ҳақида сўз юритиш мумкин. Рақобатлашаётган мотивацияларнинг қайси бири пировардида керакли жараёнга асос бўлиши ҳам шахснинг хусусиятларига, ҳам вазият факторларига боғлиқ бўлади.

Ўқиш мотивацияси умумий категория саналган мотивациянинг шундай турики, бунда “шахс белгиланган ўқув фаолиятини асосан ўқув жараёни самарадорлигини ошира олишини кўзда тутган ҳолда уни амалга оширишга тайёр бўлади” [6]. Ҳаракат назариясига асосланган бу таъриф ўрганувчи шахснинг фаол равишда ўз ваколатларини кенгайтиришга интилишини ифодалайди. У.Шиефеле ўқиш мотивациясини “маълум манба ёки кўникмаларни ўрганишга бўлган ҳоҳиш ёки ният” [8]ни ўз ичига олган актуал белги сифатида таърифлайди. Мотивация атамаси изоҳининг иккала шаклида ҳам ўқиш самарадорлигини ўстириш ёки ваколатларни кенгайтириш қандай мақсадга йўналтирилиши лозимлиги ифодаланмаган. Шундай қилиб, ўқув фаолияти ё ўқишнинг ўзини ҳоҳлаш туфайли, ё ундан эришиладиган натижани кўзлаб амалга оширилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ўқиш мотивациясининг қуйида бир неча шаклларига эътиборингизни қаратмоқчимиз:

1. Ютуқлар мотивацияси дейилганда, “маълум кўрсаткичларни мажбурий деб билиб амалга оширилиши муваффақиятга ёки муваффақиятсизликка учраши мумкин бўлган, ўз ҳаракатчанлигини барча соҳаларда ўстириш”[1]га бўлган интилиш тушунилади. Мажбурий ҳисобланган кўрсаткичларга қаратилган юқори эътибор туфайли ўрганилаётган материал иккинчи даражага тушиб қолади. Мисол учун, бирор бир китобни ўқиб чиқишни маълум муддат ичида бажаришни режалаштириб, китоб саҳифалари ёки мавзуларини кунлар бўйича

тақсимлаб олган шахсни олайлик. У ҳар куни белгиланган миқдордаги саҳифани ўқишга интилади, бунинг оқибатида эса китобнинг мазмуни иккинчи даражага тушиб қолади. Ютуқлар мотивацияси ютуқлар мотивига асосланган актуал ҳолатдир. Ютуқлар мотивининг ифодаланиши икки таркибий қисмда белгиланади, яъни ютуқдан умид қилиш ва муваффақиятсизликдан қўрқиш. Муваффақиятсизликдан кўра муваффақиятнинг кутилишини кўпроқ мақсад қилган кишилар ютуққа ишонувчилар таркибига кирса, акс ҳолатдагилари ютқазишдан қўрқувчилар сафига киритилади [7].

2. Ўқиш мотивациясининг яна бир кўринишида фаолиятнинг мақсади олиб борилаётган фаолиятдан бутунлай ташқарида қолиб кетади. Шунинг учун ҳам бу кўринишни экстризинг (ташқи) мотивация деб аталади. Бу тушунча билан “бирор бир ўқув фаолиятини у орқали ижобий оқибатлар келиб чиқиши ёки салбий оқибатлар бартараф қилиниши туфайли амалга ошириш”[8]га бўлган ҳоҳиш ёки ният ифодаланади. Экстризинг мотивация инструментал характерга эга, яъни мақсадга эришиш йўлидаги воситадир. Фаолиятнинг ўзи умуман қувонч олиб келмайди, қувонч олиб келса-да, унинг оқибати каби сермаҳсул бўлмайди. Фаолиятнинг оқибати эса интилишга арзийдиган даражада баҳоланади. Экстризинг мотивацияга анъанавий мисол сифатида ота-онаси томонидан (молиявий ёки бошқа маънода) яхши баҳо учун рағбатлантириладиган ўқувчининг ўзи севмаган фанидан яхши баҳо олишга интилиб ўқишини кўрсатиш мумкин. Баҳолар ҳудди мақтов ва жазолашлар каби экстризинг мотивацияловчилар ҳисобланади.

3. “Фаолиятнинг ўзи қизиқарли, ўзига тортувчи эканлиги ёки қандайдир қониқиш ҳосил қила олгандек туюлганлиги туфайли маълум бир ўқиш фаолиятини амалга оширишга бўлган ҳоҳиш ёки ният”[8] дея изоҳ берилгани туфайли интризинг (ички) мотивация анча вақт давомида экстризинг мотивациянинг акси сифатида ўрганиб келинди. Шундай қилиб, интризинг (ички) мотивациялашган фаолиятда қувонч ҳисси туйилади, ўз-ўзига ишонч ҳисси ортади, топқирлик сифати ривожланади. Фаолият унинг оқибатида юз берадиган натижани кўзлаб эмас, балки унинг ўзига бўлган ҳоҳиш туфайли амалга оширилади. Экстризинг (ташқи) мотивацияда нисбатан юзаки бўлган стратегиялардан фойдаланиладиган бир пайтда, интризинг (ички) мотивация учун анча чуқурроқ ўйланиши керак бўлган ўқиш стратегиясидан фойдаланиш зарур бўлади [10]. Айнан шунинг учун ҳам интризинг (ички) мотивация мактаб ўқув жараёни учун фавқулодда муҳим ва мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Интризинг (ички) мотивация фаолиятга йўналтирилган ва нарса-буюмга асосланган шаклларга бўлинса-да, педагогик контекстда нарса-буюмга йўналтирилган шакли кўпроқ аҳамият касб этади.

Воқеалар кўпинча ҳам экстризинг (ташқи) ҳам интризинг (ички) мотивациялашган бўлади. Энг муҳими, ўқув фаолияти самарадорлиги экстризинг ва интризинг компонентларнинг бир-бири билан қандай муносабатда турганлиги билан белгиланади. Экстризинг ва интризинг мотивациялар концепсиясига илмий адабиётларда жуда кўплаб қарашлар берилган [2].

4. “Қизиқиш – индивид учун муҳим аҳамият касб этувчи шахс-предмет муносабатларини англатади” [9]. У доимо айнан бир предмет ёки предмет соҳасига (мас.: машиналар, компьютер) йўналтирилган бўлади. Агар шу предмет шахс учун ўта юқори қимматга эга бўлса, қизиқишнинг қийматга боғлиқ валентлиги ҳақида, у билан амалга ошириладиган ўқув жараёни ижобий ҳисларга тўла ҳолда кечса, ҳиссиётга боғлиқ валентлиги ҳақида, предмет билан машғул бўлиш ташқи таъсирларсиз амалга ошса, интризинг компонентлар ҳақида фикр юритиш мумкин [10]. Қизиқишлар нисбатан узоқ вақт давом этади ҳамда уларга мактабдаги ютуқларга боғлиқ ҳолда эришилади. Анъанавий бўлиб қолган эски турдаги дарс услубларидан воз кечиш жараёни орқага сурилса, ўқувчиларда қизиқишнинг шаклланиши эҳтимолдан ҳоли бўлиб бораверади.

5. Кишининг ўз ҳоҳиши, ҳоҳиш кучи – волиция (ҳоҳиш, истак) деб ҳам аталади. Волиционал жараёнлар ўқув жараёнларининг амалга ошрилишини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Бир-бирининг ўрнини босувчи турли фаолиятлардан бирини танлаб олингандан сўнг, албатта, уни амалга ошириш ҳам керак бўлади. Бунинг учун назарда тутилаётган воқеа онгли равишда ҳоҳиш кучи билан қувватланган бўлиши ҳамда ташқи таъсир ва рад этишлардан ҳимоя қилинган бўлиши керак. Мотивация мақсадни танлашга жавобгар бўлган бир пайтда, ҳоҳиш кучи – волиция уни амалга оширишга хизмат қилади. Мисол тариқасида ўзи қизиқадиган фандан тушликдан сўнг уйида бажариш учун уй вазифаси олган болани келтирайлик. Унда бу фанга нисбатан мотивация етарли, бироқ тушликдан кейин у бола учун ажойиб имкониятлар пайдо бўлади: масалан дўстлари билан футбол ўйнаш, телевизор кўриш ва ҳоказо. Бу ўринда энди уйга вазифанинг бажарилиши фақатгина боладаги волициянинг кучлилигига боғлиқ бўлиб қолади.

6. Қизиқувчанлик интризинг (ички) мотивациянинг бир шакли бўлиб, у доимо инсон кутилмаган нарса билан тўқнашганда намоён бўлади [5]. Қизиқувчанлик келиб чиқиши учун белгиланган шароитлар мавжуд бўлиши зарурий шарт ҳисобланади.

Шундай қилиб, инсон қизиқувчанлиги иккита ташкилий қисмдан иборат бўлади. Хусусан, бир томондан, янгилик ёки янги нарсага тортилиш, иккинчи томондан, қочишга интилиш. Агар иккала қисм бир-бири билан тенглаштирилиб, ўртача даражадаги янгилик берилса, янгилик ёки янги нарса билан кучли шуғулланишга олиб келувчи қизиқувчанлик келиб чиқади. Бирор вазиятда янгилик камроқ бўлса, инсон у билан кучли ва тоқатли муносабатда бўлмайди. Ёки, аксинча, бирор вазиятда янгиликнинг ҳаддан зиёд кўплиги кишида қочишга интилиш компонентининг кўпайишига олиб келади ва бу вазиятдан у ортга чекинади.

Қизиқувчанлик ҳатти-ҳаракатлари мактабда муваффақиятли ўқишнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади. Юқорида таъкидланган омиллар билан бирга ўқувчи ўзига ишонган ҳолда, қўрқмасдан ўқув материаллари билан муносабатда бўла олгандагина унинг пайдо бўлиш эҳтимоли ошади.

Олмон психологи С.Э.Изарднинг фикрига кўра, ҳиссиётлар ҳам уч қисмдан иборат бўлган мотивацион ҳолатни ифодалайди. Бу қисмлар бирор бир ҳиссиётни бошдан кечириш ёки ҳис қилиш, мия ва асаб тизимларида рўй берадиган жараёнлар ва ташқи қиёфада сезиларли ифода ҳаракатларидир [3]. Ҳиссиётлар ўтмишга, ҳозирги замонга ва келажакка оид бўлиши ва оний ҳолат сифатида ҳам юзага келиши мумкин. Ҳиссиётлар мотивацияга оид жараёнларга ва когнитив жараёнларга таъсир қилади ва улар билан биргаликда намоён бўлади. Ҳиссиётларни ижобий ва салбий турларга ажратиш мумкин. Ижобий ҳиссиётлар ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилса, салбий ҳиссиётлар кўзланган мақсадга эришишимизга тўсқинлик қилиши мумкин.

Республикамиз ўрта мактабларида ўқувчиларнинг волицияси ва интризинг (ички) мотивациясини ривожлантиришни кўзлаган ҳолда чет тили дарсларининг уларнинг ҳиссий ҳолатидан келиб чиқиб ташкиллаштирилиши дарс жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Юқорида илмий адабиётларга таянган ҳолда мотивациянинг назарий асослари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилдик, бироқ ўқув жараёни мотивациясини атрофлича ўрганиш учун бу соҳада чуқур изланишлар олиб борилиши талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Heckhausen, H.: Leistungsmotivation. IN: Thomae, H. (Hrsg.): Handbuch der Psychologie Band 2/2. Göttingen: 1965, S. 602-702.
2. Heckhausen, H.: Motivation und Handeln. Berlin; Heidelberg: Springer Verlag 1989
3. Izard, C. E.: Die Emotionen des Menschen. Eine Einführung in die Grundlagen der Emotionspsychologie. Weinheim: Beltz PVU, 1994
4. K.Bundshuh “Эмоционаллик, мотивация ва ўқиш” 1998 86- бет
5. Mietzel, G.: Pädagogische Psychologie des Lernens und Lehrens. Göttingen: 1998 S.350. 354
6. Rheinberg, F.: Lernmotivation. IN: SARGES, W.; FRICKE, R. (Hrsg.): Psychologie für die Erwachsenenbildung/Weiterbildung. Göttingen: 1986, S. 360-365.
7. Rheinberg, F.; Krug, S.: Motivationsförderung im Schulalltag. Göttingen: 1999 S.30
8. Schiefele, U.: Motivation und Lernen mit Texten. Göttingen: 1996
9. Stark, R.; Gruber, H.; Mandl, H.: Motivationale und kognitive Passungsprobleme beim komplexen situierten Lernen. IN: Psychologie in Erziehung und Unterricht 44 (1998), S. 202-215.
10. Wild, E.; Hofer, M.; Pekrun, R.: Psychologie des Lerners. IN: Krapp, A.; Weidenmann, B. (Hrsg.): Pädagogische Psychologie. München; Weinheim: Beltz PVU 2001, S. 207-270.
11. Ziegler, A.: Motivation. IN: Perleth, C.; Ziegler, A. (Hrsg.): Pädagogische Psychologie. Grundlagen und Anwendungsfelder. Bern; Göttingen: Verlag Hans Huber 1999, S. 103-112.
12. Ж.Жалолов “Чет тили ўқитиш методикаси” Тошкент “Ўқитувчи” 1996, 346− бет

Андижон давлат университети,
2012 йил 22 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ҳасанов)